



O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-marifiy, ilmiy, axborot gazetasи

Ijodiy PARVOZ

2020 yil noyabr-dekabr № 11-12 (91-92) dsmi.uz nashriyot@dsmi.uz ijodiyparvozgazetasi

Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш ўйлимизни сархисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа – Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қартилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириша дағоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида” ги қароридан.

Бу ёруғ оламда инсон учун яратилган неъматлар жуда кўп. Аммо тинчлик, хотиржамлик ва истиқпол неъматидек ноёб бойлик, азиз нарсалар йўқ. Зоро, истиқпол туфайли ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтмишда йўл кўйилган бაъзи хатоларни бартараф этиб, кўплаб танқидларга учраган тақиқларни бекор қилди, инсон хуқуқлари ва эркинликлаriga доир қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Сўз эркинлиги ва хукумат фаолиятининг очиқлиги

таъминлангани, халқ қабулхоналарининг ташкил этилгани, Президентга мурожаатлар тизимишинг фуқаролар учун кулай шакллари ишлаб чиқилгани, кўшини давлатлар билан алоқалар мустақимлангани, ОАВлари ходимлари, журналистлар, матбуот хизматлари, блогерларнинг эркин фаолияти таъминлангани айниқса, республиканинг халқаро майдондаги имикини тубдан ўзgartиртириди.

Шунингдек, олий таълим соҳасида чуқур ислоҳатлар амалга оширилмоқда, жаҳоннинг нуғузли олий таълим даргоҳларининг филиаллари юртимиздаги вилоятларда, чекка худудларда ҳам ташкил этилмоқда. Бошқа мамлакатда ўқиш, ўқиши юртимизга кўчириш каби ишлар ҳам соддлаштирилмоқда. Умуман қайси соҳани олиб қарамайлик, ҳар бирида янгича ёндашув, янгича муносабатларни



“MADANIYAT VA SAN'AT FIDOKORI” КО'KRAK NISHONI



Олд томони



Орқа томони

Ўз касбига меҳр бериб, садоқат ила хизмат қилган инсонларнинг машаққатли меҳнати келгусида ўз самарасини бермасдан қолмайди. Маданият ва санъат соҳасида ҳам шундай ходимлар борки, улар ҳам келажак авлод учун маънавий пойдевор бунёд этишида жонбозлик кўрсатишмоқда. Эл сўйган ана шундай ходимларнинг бир гурӯҳи мамлакатимиз томонидан “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Эътиборли жиҳати, улар орасида институтимизнинг малакали профессор ўқитувчилари ҳам ўрин олган.

Улар қуидагилар:

Иброҳим Йўлдошев,
ЎзДСМИ ректори, профессор;
Шерзод Пирматов;
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси профессори
Баҳрулло Лутғуллаев;
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси профессори
Мұхабbat Тўлаҳўжаева,
ЎзДСМИ “Санъатшунослик ва маданият-шунослик” кафедраси профессори;
Мунаввара Абдуллаева,
ЎзДСМИ “Мусиқали, драматик театр ва кино санъати” кафедраси профессори;

Сайфулла Икромов,
ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси доцент в.б;

Азамат Шарипов,
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси ўқитувчisi

Институтимизномидан
ушбу мукофот соҳибларини
чин дилдан кутлаймиз.
РАҲБАРИЯТ.

Устувор вазифалар

Prezident Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida 2021 yil nomida belgilangan sohalarni tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalarga to'xtalib o'tdi.

Jumladan, 2021 yilda ilm-fan sohasini rivojlantirish yo'lida qilinadigan ishlar ham qayd etildi:

Kelgusi yilda ilm-fan sohasida oliygohlar va ilmiy tashkilotlardagi doktorantlar soni 4,5 mingtaga yetkaziladi yoki 2017 yilga nisbatan 3 barobarga oshiriladi. Ushbu maqsadlar uchun byudjetdan qo'shimcha 240 milliard so'm ajratiladi.


Ilg'or xalqaro amaliyot asosida, dotsent va professor ilmiy unvonlari, falsafa va fan doktori ilmiy darajalarini berish vakolati o'z yo'nalishi bo'yicha nufuzli bo'lgan oliygohlarning ilmiy kengashlariga o'tkaziladi.

Kelgusi yilda «Fizika» va «Chet tillari» o'qitishning ustuvor yo'nalishlari etib belgilandi.

ВАКТ КАДРИГА ЕТАЙЛИК

Ўзбек адабиётида ўзига хос ибратли ўчмас из қолдиран академик шоир Фоғур Гуломни барчамиз яхши биламиз. Фалсафий образлилик, умумбашарий эзгуликларнинг донишона ва санъаткорона тараннуми устоз шоирнинг энг муҳим фазилатларидан саналади. Шоир ўзининг “Вакт” шеърида:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.



деб ёзади. Шоир “умр дафтари” деган иборани бежизга ишлатмаган. Умр дафтаримизни “шоҳ сатрлар” – эзгу ишлар, яхшиликлар билан безаш ҳар биримизнинг қўнимизда. Бунда вақт мезонини англамоқ, фурсатини ғанимат билмоқ ва уни қадрламоқ жуда муҳим. Савол туғилади. Хўш, шоир нега бу қадар вақтга, фурсатга ургу беряпти, уни нима учун “азиз онлар”, дея таърифляяпти?



Йил сархисоби

Ўз поёнига етиб бораётган 2020 йил Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси учун самарали келди. Сабаби, таълим, илм-fan, илмий изланиш, санъат, маданият, маънавият ва спорт сингари қатор соҳаларда катта ютуқларга эришилди.

Тарих саҳифаларидан жой оладиган 2020 йилни том маънода “юксалиш иили бўлди”, — деб айтиши мумкин.

Байрам муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев эътироф этганидек, биргина 2020 йилнинг ўзида институт ўқитувчиларининг 18 нафари илмий унвон ва даража олди. Бу институт жамоаси учун юқори кўрсаткич. 2018-2020 йиллар давомида эса институтдан 48 нафар ўқитувчи илмий унвон ва даража соҳиблари бўлишиди.

Эришилаётган ушбу ютуқлар давлатимиз раҳбари, вазирлик илмий мутасаддилари томонидан ҳам ўз эътирофини топмоқда.



ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини янада кривожлантириш, соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш борасида қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда.



Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бизнинг ҳавас қиласа арзидиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қиласа арзидиган улуғ ажоддларимиз бор. Ҳавас қиласа арзидиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, худо хоҳласа, ҳавас қиласа арзидиган буюк келажамиз ҳам албатта бўлади” деган ҳикматли сўзлари тарих зарваракларида чинакам уйғониш - учинчи Ренессанс даврини очиб бергани шубҳасиз.

Бу эса, кейинги уч йилда президентимиз маданият ва санъат, маърифат соҳасида олиб бораётган тарихий ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлади. Бу соҳа ходимларининг олдига янада улкан вазифаларни амалга оширишга йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7 февралдаги

56-ф-сонли Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2020 йил 15 октябрь куни “Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этишга инновацион ёндашув” мавзусида республика илмий-амалий онлайн конференцияси ўтказилди. Конференцияда маданият ва санъат муассасалари —театрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар, кутубхоналар замонавий талаблар асосида ташкил этиш, маданият ва санъат соҳаларида давлат-хусусий шериклик механизмини амалиётга жорий этиши муаммоларни таҳжил қилиш, фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда малякали кадрлар тайёрлаш бўйича долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳакида таникли олимлар, амалиётчилар, мутахассислар ўзаро фикр алмашдилар.

Чинакам онлайн-мулокот тарзида савол-жавобларга бой бўлган тадбирда соҳага оид қатор таклифлар, тавсиялар ўргага ташланди, фикр алмашинув, муаммоларга ечимларни биргалиқда излаш борасидаги қарашлар иштирокчиларнинг фаоллигини, ўз ишига масъулиятини англатиб гина колмай, конференциядан олинган таассуротлар меҳнат фаолиятларида кўл келишини изхор қилдилар.

Бахтиёр САЛАЙДИНОВ,
ЎзДСМИ “Маданият ва
санъат муассасаларини ташкил
етиш ва бошқариш” кафедраси
катта ўқитувчisi

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов томонидан бундан 47 йил олдин ёзилган ушбу мисралар ҳамон ҳалқимиз қулоқлари остида жаранглаб турибди.

“ИНСОН ЎЗИНГ”

Буюк ижодкор қаламига мансуб ушбу қасиданинг Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков раҳбарлигida бастакор Нодир Умаров, мусиқий сайқал берувчи Азиз Холмуродов, клип режиссёри Санжарбек Маткаримов, директор Илес Дадабоев сингари ижодкорлар билан хорижлик ҳамкорлар иштирокида янгича талқинда яратилиши эзгу гоя йўлидаги мавзасида махнатнинг самарасидир.

Кўшиқнинг яратилиши давлатимиз раҳбарининг Марғилонда Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов музейи ва ижодий мактабининг очилиш маросимида Маданият вазири Озодбек Назарбековга музейдан жой олган “Инсон” қасидаси фақат Ўзбекистон учун эмас, бутун дунё учун айтилган”, – деган фикридан бошлиланган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Инсон” қасиданинг мазмун-моҳияти, унинг Ўзбекистон, ҳалқаро миқёсда тутган ўрни, аҳамиятига багишлиланган очиқ дарсда институт талабалари ана шулар ҳақида маълумотга эга бўлишиди.

“Бу асар Озодбек Назарбековнинг санъаткор ва шахс сифатида нақадар шакллангани, нақадар ватанпарвар ва фидойи инсон эканлигини кўрсатадиган факт деб ҳисоблайман”, – дейди фалсафа фанлари доктори Икбол Мирзо.

Очиқ мулоқот асносида ўтган дарс жараёнида институт талабалари улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ушбу қасидадан олган таассуротлари билан ўртоклашдилар.

ЎзДСМИ матбуот хизмати



2021-yilda o'tkaziladigan festivallar

“OLTIN DAVR” XALQARO MUSIQA YARMARKASI



“Oltin davr” xalqaro musiqa yarmarkasini tashkil etish va o’tkazish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Hukumat qarori qabul qilindi (692-son, 06.11.2020-y.).

Qarorga muvofiq, 2021-yildan respublikada tashkil etiladigan xalqaro musiqa anjumanlari va festivallari doirasida “Oltin davr” xalqaro musiqa yarmarkasi o’tkaziladi.

“MILLIY XALQ O’YINLARI” XALQARO FESTIVALI

Zomin tumani xalqaro festivalga mezonlik qilishi mumkin. Hukumatning bu boradagi tegishli qarori loyihasi muhokamaga qo'yildi.

Hujjat loyihasiga ko'ra, 2021-yildan boshlab Jizzax viloyati Zomin tumanida “Milliy xalq o’yinlari” xalqaro festivali o’tkazilishi kutilmoqda. Ushbu festivalni an'anaviy tarzda har ikki yilda bir marta oktabr oyida tashkil etish rejalashtirilgan.



“XALQARO SIRK SAN’ATI” FESTIVALI



O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 23-yanvardagi 55-son qaroriga muvofiq Xalqaro sirk san’ati festivali 2021-yildan boshlab har ikki yilda bir marta Toshkent shahrida o’tkaziladi.

Izoh. Ushbu festivallarning o’tkazilish sanalari ba’zi sabablarga ko’ra o’zgarishi mumkin.

Namanganda 2021-yilda 60-xalqaro “Gullar bayrami” o’tkaziladi.

“SHARQ TARONALARI” XALQARO MUSIQA FESTIVALI



Festival 1997-yildan buyon har ikki yilda bir marotaba Samarqand shahridagi ko’hna “Registon” maydonida avgust oyining 2-yarmi oxirida o’tkazilib kelinadi.

“GULLAR BAYRAMI”



Oqil ABDUBARNOYEV tayyorladi.

Musobaqa

“Sport – sog’lik garovi”

Bugungi kunda respublikamizda sportni rivojlantirishga va yosh sportchilarни Xalqaro miqyosda raqobatbardoshligini oshirish, jismoniy salohiyatiyuqori, ruhiy tetik sportchilarni tayyorlashga katta e’tibor ko’rsatib kelinmoqda. Shuningdek, respublikamizda mayjud barcha Oliy ta’lim muassasalarida sport bilan shug’ullanishga yetarlicha shart-sharoitlar mavjud. Ushbu sharoitlardan unumli foydalananish, talabalarning bo’sh vaqtini mazmunli tashkil etish va sportga keng jalb etish maqsadida O’zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining barcha fakultetlari talabalari o’tasida “Sport – sog’lik garovi” shiori ostida quyidagi sport musobaqlari tashkil etildi:

- 1 — Voleybol,
- 2 — Basketbol,
- 3 — Stol tennisi,
- 4 — Arqon tortish

Musobaqada fakultetlariimizning barcha iqtidorli, sportga ishtiyoqi baland talabalari o’z guruhlari bilan ishtirok etmoqda. Musobaqa barcha guruhlar o’rtasida tashkil etilganligi sababli o’yinlar o’ziga xos tarzda shiddatlari bo’lib o’tdi.

G’olib bo’lgan jamoalar final bosqichida o’zaro kuch sinashdi. G’olib jamoa institut rahbariyati tomonidan qimmatbaho esdalik sovg’alari va maxsus diplom bilan taqdirlandi.

О’зДСМИ матбуот xizmati

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

1 Жорий йилда мустақиллигимиз нинг 29 йиллигини бутун дунёни камраб олган оғир коронавирус пандемияси шаротидан келиб чиқиб жорий қўлинган карантин чораларининг қўлланилишига қарамасдан “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!” – шиори остида тантанали нишонланиши ва бу тантана шукуҳи қалбларимизда кезиб юрган бир пайтда юртбошимиз томонидан 2020 йил 17 декброда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юкори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4926-сон қарорининг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Юртбошимизнинг мазкур қарорини жойлардаги таникли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказилиши режалаштирилган. Ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган имлй ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва баҳшичиллик санъати вакиллари, истеъододли ёш ижрочилардан иборат ижодий гурухлар жалб этилмоқда.

Кўриб турганимиздек, дастур доирасида режалаштирилаётган ушбу тадбирларга соҳавий хусусиятимиздан келиб чиқиб, институт жамоасининг катта бир қисми жалб қилинади. Бу эса ўта масъулиятли ва шарафли иш эканлигидан хисобга олиб, мустақиллик байрамига жалб қилинажак

жамоамиз ўзларининг бор маҳорати ва тажрибасини ишга солиб, тарих зарварақларига ёзилиб қолинувчи бош байрамимизнинг юксак савияда ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишади.

Бундан ташқари, қарор доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан турли танловлар, илмий конференциялар, фестиваль ва кўргазмаларни ташкил этиш, китоб-альбом ва тўпламларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, ахборот мазмунидаги ушбу мақоламиз орқали “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юкори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4926-сон қарорида режалаштирилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти билан танишиш ва бундан келиб чиқадиган вазифаларимизни белгилаб олиш ҳамда ўз фаолиятимизга тадбиқ этишдир. Қолаверса, мақсадимиз – ҳалқимизда қўлланиладиган “Тўйга тўёна билан” – деган нақлдан келиб чиқиб, институтимиз жамоасининг ҳар бир аъзосини, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларимизни ўз фаолияти жараёнида юксак мэрраларни кўзлаб, давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги юбилейи муносабати билан ўтказиладиган турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этишига, эришган ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшишга чорлашдир.

Ўткир МАВЛОНОВ,
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Кўнгил маъюс тортои юилнинг сўнгидаги,
Билмам, ниманг билан сехрладинг, кор.
Бугун куппа-кундуз қўзим ўнгидаги,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, кор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?..

Баҳорим етгудек қўлим узатсанам,
Етолмай дилимни не деб юпашсанам.
Лайлаккор, азизим, ғалат баирам бу —
Кулиб кузатсанми, йиглаб кузатсан...
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Сўрсанг, севинчимдан ўқинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ,
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприкда титроқ.
Мен ҳам сал шойдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Янги юил,
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Кулогингга бир гап айтами, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди...



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон ҳалқ шоири



ЙИЛ САРҲИСОБИ

Биргина жорий йилнинг ўзида, мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор – ўқитувчиларидан 7 нафарининг президентимиз фармонига биноан, давлатимизнинг юксак увон, орден ва медаллар билан тақдирлангани ҳам ушбу олий ўқув юртининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида тутган ўрни нечоғли мухим эканлигидан далолат беради.



Қўйидаги устоз-мураббийлар:

Дусмурадов Бекназар, Исламов Дилмурат, Шукуров Жўрақул, Юлдашев Маъруфжон профессор ҳамда
Музафарова Соадат, Абройкулова Насиба, Ирисметов
Бахтияр, Маликова Дилбар, Мамиров Мансур, Мансурбекова
Ферузалар доцент увонларига сазовор бўлишидилар.



2020 йилда ўзларининг самарали меҳнати, фидойилиги билан бошқаларга ўрнак бўлган профессор-ўқитувчилардан бир гурухи Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар. Тадбир дорасида ушбу фахрий ёрлиқлар ўз эгаларига тантанали равища топширилди.

Собир ЖУМАЕВ,
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

O'zbekiston xalq artisti, "Fidokorona xizmatlari uchun" va "Sog'lom avlod" ordenlari sohibi, "Bulbulcha" ashula va raqs ansamblining badiiy rahbari, professor Shermat Yormatov bilan suhbat.

Shermat YORMATOV:



Musiqqa xalqlarni birlashtiradi

— Ustoz, bizga ma'lumki, "Bulbulcha" bolalar xori mamlakatimizdagi birinchi milliy jamoadir. Shu haqida ikki og'iz gapirib bersangiz.

— O'zbekistonda ilk bora milliy bolalar xori tashkil topib bir necha yillar davomida ashula va raqs ansambliga aylanib ketgani, san'atimizning yana bir baxti desak mubolog'a bo'lmaydi. Bolalar sahnada o'yinab, kulib o'z qo'shiqlarini kuylab va o'zi ijob etib turgan ashulaga mos harakatlar qilib, beg'ubor bolalikning zavqli onlarini mazmunli o'tkazganini ko'rish men uchun nechog'lik baxt ekanini tasavvur qilish qiyin. Ansambl haqida, nafaqat Respublikamizning barcha burchagida, balki boshqa mamlakatlarda ham ajoyib fikrlar mavjud.

Ansambl O'zbekistonda ilk bor tashkil topganligi uchun bo'lsa kerak, bu guruhni shakllantirish ancha murakkab jarayonlarni talab etdi.

— Mamlakatimizda yana shunga o'xshash jamoalar bormi va ularning ish yo'naliishi qanday?

— Respublikamizning deyarli barcha viloyatlarida ham turli bolalar ansambllari o'z faoliyatini yuritib kelishmoqda. Bu ansambllarning barchasi "Bulbulcha" ansmabliidan keyin tashkil topib, bolalar qo'shiqchilik san'atini rivojlantirishiga o'z hissalarini qo'shishgan va qo'shib kelishmoqda. Faqt ular o'zining regioniga mos va xos ravishda bolalar folklori asosi va uslubida ashula va raqs ansambllari tuzishgan bo'lsa, "Bulbulcha" bolalar ashula va raqs ansambl professional bastakorlar asarlariga, mashhur xalq qo'shiqlari asosida raqlar qo'yib, 50 yildan oshiq davr ichida sahnalarimizni to'ldirib kelmoqda. Buni men bolalarimizni, qolaversa san'atimizning baxti deb bilaman.

— Aytinchchi, "Bulbulcha" ashula va raqs ansambl konsertlar bilan cheklanadimi?

— Kezi kelganda maqtanishga ham to'g'ri keladi shekilli? chunki "Bulbulcha" bolalar ashula va raqs ansambl Mustaqil davlatlar hamdo'stligi tashkilotiga a'zo davlatlarning deyarli barchasiga gastrol safarlarida bo'lib, turli konsertlar berishdan tashqari, xalqaro festival va ko'rik tanlovlarda ham muntazam qanashib kelgan.

Yugoslaviyada bo'lib o'tgan "Oltin bulbulcha" xalqaro festivalida ikki marotaba ishtirot etib Gran pri sovrindori bo'lgan. Turkiyada bo'lib o'tgan xalqaro festivalda ham juda katta muvaffaqiyatlarga erishgan.

— O'sha festivallar qay tarzda o'tganligi haqida gapirib bersangiz.

— O'sha yillari bir voqeab o'lgan. Festivalning nizomiga ko'ra ansmabllar tayyorlab kelgan asarlarning ijrosi to'rt yarim daqiqadan o'tib ketish mumkin bo'lmagan. Men u nizomga e'tibor bermasdan o'n bir yarim daqiqali qo'shiq tayyorlabman. Bu holatni festivalning bosh rejissori eshitib, yig'lagudek bo'lib menga - nizomni bekor o'qimabsan, nizomga qara — dedi. Darhaqiqat, nizomga qarasam to'rt yarim daqiga deb yozib qo'yilgan ekan. Meni nizoming bilan nima ishim bor. Festivalga o'zbek bolalar qo'shiqlarini tayyorlash kerak — deyishdi, men tayyorlab keldim. Avval hay'at a'zolari bolalarimizning jonli ijrosini bir eshitib ko'rishsin? Keyin bir gap bo'lar dedim. Rejissor boshini qimirlatib, o'ylanib xonadan chiqib ketdi. Hay'at a'zolari ansmablimiz ishtirokchilari o'z dasturini maroq bilan ijob qilib berishdi. Bir mahal konsert tashkilotchisi hursand bo'lib, oldimga yugurib kelib meni bag'riga bosdi va — "Shermat aka, bir soniyasini ham qisqartirmas ekanim. Bolalarini jonli ijrosi va qo'shiqlarning gulasta kabi ketma-ketligi zo'r chiqibti. Sizlarga mingdan ming tashakkur" — deb bag'riga

bosib, ko'zidan yosh to'kilib ketdi. Festival boshlanib, sahnada "Bulbulcha" bolalar ashula va raqs ansambl:

"Bu gulshan soz" qo'shiqlar guldasasini ijro etadi deb e'lon qilishdi. Ansamblimizning eng jajji ishtirokchisi sahnaga chiqib

Bu gulshan soz ekan soz, Ustiga soz aytgali keldik.

deb katta ashulani ijro qilishni boshlaganidan stadiondag'i butun muxlislar o'nidan turib, qo'shiqnini jon qulqolqlari bilan tingladilar. U paytda hozirgi zamonaviy musiqiy uskunalar bo'lmagan, ijro jonli ovoz bilan, bolalarning sof, tiniq, beg'ubor, qo'ng'iroq kabi ovozlari butun stadionni o'ziga mahliyo qilgan edi. Turk telekanallari va radiosida to'qqiz kun mobaynida "Bulbulcha" bolalar ashula va raqs ansamblining ijro repertuarlarini, konsert va festivallardan yozib olingan lavhalarini namoyish etishdi. Shuningdek, biz Turkiyaning turli shaharlariga borib o'tkazayotgan konsertlarimizni jonli ravishda efiriga ham berib turishdi. Turkiya prezidenti Turgut O'zal, Bosh vaziri Suleyman Dimerel va Turk radio hamda televideniya rahbarlari bolalarimizning har biriga alohida sovg'a berib, bizni qardosh deya izzat ikrom ko'rsatishgani hali hanuz esimda.

— Ustoz, buning mohiyati nimada?

— Ashula va raqs ansamblining mohiyati, tarbiyaviy tomoni shundaki, ikki millatni, kerak bo'lsa butun dunyo xalqlarini bir-biriga bog'lovchi ohanglardadir. Shuning uchun ham xalqimiz san'atni, ayniqsa musiqqa san'atini chin dildan sevadi va sevib kelmoqda.

Ustoz! Ilohim bundan keyin ham "Bulbulcha" bolalar ashula va raqs ansambl sahnani to'dirib sayrab samolarda parvoz qilaversin va siz ustoz nafaqat "Bulbulcha", balki mamlakatimizning baxtiga omon bo'ling.

Xalq ijodiyoti fakulteti ashula va raqs yo'naliishi 4-kurs talabasi Valisher QUTLIQOV suhbatlashdi.



Aziz tengdooshlar, очигини айтганда ҳозир орамизда умринг қадр-қимматини тўлиқ англаб етганлар кам бўлса керак, чунки айни паллада умримизнинг чеки-чегараси йўқдек, ҳали ҳамма нарса олдиндагидек туюлиши табиий ҳолdir.

Шундай бўлсада, вақт меъзони, умр лавхаларининг нима экани, ундан қандай фойдаланиш лозимлиги тўғрисида фикрлашиб ошишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Маънавият инсонни муайян тартиб қоидалар асосида яшашни талаб қилади. Чунки, тартиб интизом бор жода маъно-мазмун бўлади. Ҳаётни маълум тартиб асосида ташкил этиш зарурати вақт билан хисоблашишга, унинг қадрига етишга ундаиди. Хаттоқи, вақтнинг қадрига етиш ўзбек халқининг мақол ва ҳикмати сўзларидек ҳам ўз аксини топган.

Жумладан: "Вақting ketdi, naqdning ketdi", "Вақт одил ҳакам", "Фурсат оқар сув" сингари мақол ва ҳикматлар шу жумласидандир. Демак, вақтнинг инсон ҳаётига, унинг фаолиятига, дунёкарашига кўрсатадиган таъсири foятда кучли, бинобарин, вақтдан унумли фойдаланиш, вақта қараб, у билан хисоблашиб ҳаракат қилиш маънавий ҳаётдан тўғри фойдаланиш деганидир. Унинг ҳар бир дақиқасини мақбул равишада тақсимлаш тушунилади.

Умуман ихтиёrimizdagi вақтни иккiga ажратиш мумкин: бандлик вақти ва бўш вақт. Бандлик вақтида инсон ўзи, оиласи, жамият ва ҳалқ фойдасига бирор-бир иш билан машгул бўлади. Бўш вақт эса инсоннинг ўқиш, иш, хизмат фаолият билан шугулланмайдиган вақти. Албатта, бўш вақтни қандай ташкил этиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Бироқ шуни ҳам унумтаплики, биз замонавий талаблар асосида таълим олаётган ёшлармиз. Демак, бизнинг бўш вақтимиз илм олиш, уни янада мустаҳкамлашга, охир-оқибат эса ҳаётда ўз ўрнимизни топишга кўмаклашиши лозим. Үқишимизнинг сифати ва самарадорлиги бўш вақтимизнинг қандай ташкил этилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

ВАҚТ

ҚАДРИГА



Инсоннинг кундалик ҳаёти қатъий асосда ташкил этилгандагина бекорчиликка, зерикишга ўрин қолмайди. Француз ёзувчиси Стендал "Бекорчилик – зерикишнинг онасидир", дея бекорга таъкидламаган. Бекорчилик ва зерикиш одамни турли хил жиноятлар содир этишга, ичкилиқбозлиқ, кашандаликка ружу кўйишга, маънавий нопок ишларга кўл уришга мойил қилиб қўяди.

Демак ўз-ўзидан кўриниб турибди, бўш вақт ким учундир олтиндан-да қиммат аҳамият касб этиб, унинг маънавий юксалишига хизмат қилса, бошқа бирор учун эса, ўз эрки ва ихтиёрини кўлидан олиб жарлик сари етаклаб кетувчи фалокат.

Хулоса шуки, инсонга берилган бебаҳо бойликнинг қадрига етмаган киши умринг охирида қаттиқ пушаймон бўлиши аниқ. Умрнинг ҳар дақиқасини ганимат биладиган, ҳар куни савоб ишлар қилиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга одатланган инсон ҳаёт доимо гўзат ва фаровон бўлиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, биз каби ёшларни чукӯр билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги ишларни янги ва замонавий босқичига кўтариш каби вазифаларни ўз ичишга ишонаман.

“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизлик” деган ҳақиқатни унумтаслигимиз керак. Шунда маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишга узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Келинг, азиз тенгдоoshim birplashaylik, yaxdilashaylik! Бундай рағбат, бундай ишонч, бундай эътиборлардан кейин янада фаоллашайлик. Замонавий билимларни эгаллаган, рақобатбардош кадрлар бўлиб этишишга ва бевосита ислоҳотлар давомчиси бўлишга, юртбошимиз ишончларини оқлашга ваъда берайлик.

Жумагул НИШНОВА, Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибаси

Тошкент ТЕЛЕМИНОРАСИНИНГ ТАРИХИ



Ўтган асрнинг 60 йилларига келиб телевидение ва радио
Ўзбекистон маданий ҳаётида мустаҳкам жой эгаллай бошлади.
1957 йилда бунёд этилган 180 метрлик биринчи Ўзбекистон телемаркази 4 миллионлик поитахт ва Тошкент вилояти аҳолиси эҳтиёжини етарлича қондириш, телевизион кўрсатувларни кўпайтириш ва тоғли туманларга дастурларни етказишига ожизлик қилиб қолди.

1971 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Алоқа вазирлиги (ҳозирги Республика Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) тасарруфида Тошкент радиотелевизион узатиш маркази курилиши дирекцияси ташкил этилди. Қисқа фурсат ичida янги телеминора лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Лойиҳа жуда синчковлик билан ўрганилди, қайта-қайта синовлардан ўтказилди. Чунки бундай баландликдаги иншот қурилиши ҳали тажрибада бўлмаганди.

Ниҳоят, 1978-йилда телеминора қурилиши бошланди. Минорани тиклашда қурилиш учун зарур бўлган метал турлари ва хусусиятлари жиддий ўрганиб чиқилди.

Бинобарин, қурилмаларнинг бирон жойида нуқсон бўлишига йўл қўймаслик, технологик талаб ва стандартларга риоя этиш жуда муҳим эди. Германиядан келтирилган пўлат қурилмалар Тошкентда қайта ишлаб чиқарилди.

Ҳар қандай иншоотнинг мустаҳкамлиги албатта пойдеворига боғлиқ. Телеминоранинг тўрт таянчи ва унга

туташган учта оёқпари 11 метрлик чукурлиқдан кўтарилиб чиқилган, бир-бири билан боғланмаган темир-бетон асосларга таянган бўлиб, музознатини ўта юқори даражада ушлаб туришга қодир класик тизим яратилди.

Телеминора қурилиши “11-Баланд қурилиш” бошқармаси қурувчилари томонидан амалга оширилди. Мутахассислар олдида энг баланд иншоотни барпо этиш, гайриоддий, шу пайтгача амалда кўлланилмаган муаммоларни

ҳал қилишдек масъулиятли вазифа туради.

1984-85-йиллардаги қаҳратон қиши шароити, баландлик ва мунтазам шамол, тобора юқорилаб бораётган қурилмалар нишаб ўлчовини тўғри олиш осон кечмади. Бироқ, бунёдкорлар буни уddyалади. Қурилишда Россиялик мутахассислар ҳам фаол иштирок этди.

Минора қурилиши 25 тонна юкни 240 метр баландликка кўтариш қобилиятига эга бўлган маҳсус кран ёрдамида



амалга оширилди. Телеминорага ҳали мамлакатимизда учрамаган, 220 метр баландликка кўтариладиган Швейцариyaning учта тезюар “Шиндлер” лифти ҳам ўрнатилди.

1985-йил 15-январда иншоотнинг энг баланд нуқтасида байроқ ҳилпирай бошлади. Бўзсув ёқасидаги мўъжиза ана шу тарзда бунёд этилди.

Тошкент телеминораси фаолиятини ундаги бўлим ва маҳсус цехларсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Мар-

казда ўндан ортиқ цехлар ҳамда Тошкент вилояти телевизион стансиялари фаолият кўрсатиб келмоқда. 220 метр баландликда жойлашган стансия ўзига хос замонавий технологиялар ҳамда кузатув мосламалари билан таъминланди.

Тошкент гўзалининг барпо этилиш тарихи ана шундай бўлган.

Оқил АБДУБАРНОЕВ
тайёрлади.

ЖАНА ӨЗБЕКСТАН КРЕАТИВ МӘДЕНИЯТТЫ РАЎАЖЛАНДЫРЫЎ ЖОЛЫНДА

2020-жылдың 31-октябрь куни Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер институту ҳәм Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер институты Нөкис филиалы, Британия Кенесиниң Өзбекстандағы ўәкилпикханасы менен биргеликте «Өзбекстанда мәденият ҳәм көркем өнер тараўын раўажландырыўда креатив исбителменликтиң орны» атамасындағы Халықаралық илимий-әмелий онлайн семинар болып өтти.

Илажды ӨзМҚӘМИ «Мәденият ҳәм көркем өнер мәкемелерин шөлкемлестириү ҳәм басқарыў» кафедрасы доценти М.Юлдашева кирис сез бенен ашты ҳәм басқарып барды. Өзбекстан Республикасы Мәденият Министрлиги басқарма баслығы Ф.Джурраев, Қарақалпақстан Республикасы И.В.Савицкий атындағы мәмлекетлик көркем өнер музей директоры Г.Изентаева, Қарақалпақстан халық жазыўшысы, «Билим» баспасы директоры М.Нызанов, Өзбекстан Республикасы Өнермент бирлеспеси Қарақалпақстан Республикасы басқармасы баслығы орынбасары С.Мадаминова, Исбителмен ҳаял шөлкеми ағзасы Шоманай райони өнерменти А.Наубетова, Өзбекстан Республикасы художниклер аўқами художник-өнермент М.Алламбергенова, «Oxus culture» мәденият орайы баслығы Х.Атоев, ӨзМҚӘМИ «Мәденият ҳәм көркем өнер мәкемелерин шөлкемлестириү ҳәм басқарыў» кафедрасы доценти Б.Салайдинов,

О.Дусмухамедов, ҳәм де Нөкис филиалы «Мәденият ҳәм китапхана искерлигиги» кафедрасы баслығы Г.Сапарбаевалар кен турде баянат жасады.

Илажға Республикамыздағы ЖОО профессор-октыйшылары, FXK ўқильтери, мәденият ҳәм көркем өнер тараўының илимий-хызметкерлери ҳәм студент жаслар қатнасты. Баянат жасаған исбителменлер өз исбителменлигин қалай жолға қойғанынлығын ҳәм креатив идеялар тийкарында өз бизнес режелерин жаратқанын ҳәм де қандай машқаларға дус келгенлиги, жетискенликлери ҳақында айтып берди.

Илимий-әмелий онлайн семинардың мақсети Президентимиз Ш.Мирзиёевтин 2018-жыл 1-августдағы «Мәденият ҳәм көркем өнер тараўында мәмлекетлик-жеке шерипликти раўажландырыў ушын шараптлар жаратыў ис-илажлар ҳақында»ғы қарарының орынланыўы ҳәм оны елеңде жемийетимиз турмысына енғизиў, угит-нәсиятлаўфа бағдарланды.

Қарапға бола, мәденият ҳәм көркем өнер мәкемелеринин имаратларын мәмлекетлик емес шөлкемлере коммерция тийкарында бериў, мәмлекетлик емес мәкемелерди шөлкемлестириў, төмэн искерлик алып барып атырған орайларды атальққа бериў, нызам ҳужжетлеринде белгиленген тәртиpte «ноль» ставкада пайдаланыўға бериў ҳәм сатыў бойынша түснеклер берилди.

Тараўфа шет ел инвестицияларын қамтый, исбителменлиktи басла мақши болған жасларга болса, бундан былай қолайлы шараптлар жаратылады ҳәм төмендеги имканиятлар менен тәминленди:

Жеке-шериплик мал-мүлк тийкарында шөлкемлестирилген мәмлекеттик емес мәденият ҳәм көркем өнер мәкемелерин материаллық-техникалық, экономикалық ҳәм методикалық тәмийинлеўге жәрдем бериў, атальқ формасындағы қайыркомлық искерлигин алып барыўға жәрдемлесиў бойынша мүмкіншилик жаратылады х.т.б.

Мәмлекетимиз тәрепинен жаратылған имканиятлардан пайдаланып мәденият тараўында исбителменлик пенен шуғылланыўши шахсларға кен көлемли мүмкіншиликтер жаратыў бүгинги күнде тараўдың алға қойған баслы стратегиясынан бири.

Хўрметли Президентимиздин мәденият – бул ҳалқымыз, жәмийетимиздин көриниси. Биз Өзбекстаниң жана көринисин жаратыўға кирискең екенбиз, буны, өўели миллий мәдениятимизди қосыў кереклигин умтспаўымыз керек. Себеби, жана Өзбекстанды – жана раўажланған мәденият пенен бирге курамыз.

Жоқары дәрежеде өткерилген онлайн илимий-әмелий семинарга 200 ден аслам қатнаснышы қатнасты. Илаж даўамында қатнаснышылар өзлериниң қызықтырған сораўларына жуўаплар алды. Семинар соңында илажды өткериуде пидекерлик көрсектени ушын Б.Салайдиновқа, қарақалпақ мәдениятты ҳәм көркем өнеринде креатив исбителменлиktи жүзеге шығарыўда айрықша белсендилик көрсектени ушын Г.Сапарбаеваға терең миннэтдаршылық билдирилди.

Асылбек ҚОЛҚАНАТОВ
ӨЗМҚӘМИ Нөкис филиалы
студенти



ҚУЁШНИ КИДИРИБ ЯШАШ КЕРАК

Таниқли бастакор Султонали РАҲМАТОВ билан сұхбат

– Мусиқа инсон руҳига қанот бағишилайды. Яхши күй әшитгандарда биз бошқа бир руҳий дунёга, онгимизнинг қат-қатидарға ётған нотаниши олам сарҳадларига тушамиз ва бу они кайфият таъсиридан чиқолмай қоламиз. Бир яхши мусиқа әшитилгандыннан баҳосини дунёда инсон ақли эришиши мумкин бўлған моддий ва ижтимоий ютуқлардан олинидиган кайфияти билан солишиширадиган бўлсак, менимча, яхши куйнинг завқи юксакроқ бўлса керак. Сиз яратган мусиқаларни тинглаб шундай кайфиятга тушамиз. Бундай кайфиятни қаердан тонасиз?

– Биласизми, бу менга боғлиқ ҳолат эмас. Мен фақат Оллоҳ қалбимга нимадир солған ва ичимда қандайдир номсиз түйғулар туғён қилаётган пайтдагина ижод қилишга ўтираман. Ичимдан келаётган хеч нарса менини эмас, хеч қачон буни тушунтириб ҳам беролмайман. Сиз айтган лаҳзаларда мен соҳилда кетаётган бир кемаману мени ким бошқариб кетапти, бу манзилнинг сўнгиги нуқтаси қаерда, ҳаётдан қанчалик узоқлашдими ўзимга қанчалик яқинман, билолмайман. Фақат мана шу завқда узокроқ қолишни, имкон борича шу мавжнинг ичидаги кўпроқ яшашни хоҳлайман, холос.

– Шу кайфиятни бўлишса-чи? Шу лаҳзадан чиқиб кетсангиз. Дејлик, күй ярмида қолди...

– Менимча, бу ҳолат хеч қайси ижодкор учун бегона бўлмаса керак. Мен ҳам инсонман, демак кимгадир керак бўлдим ва у мени чалғитди. Бу дунёда хеч нарса беҳикмат бўлмайди. Демак, бу опдиндан маълум эди ва ушбу лаҳзада мен оламнинг хеч қандай сирли қонуниятини бузолмайман. Фақат ўша руҳни, ҳолатни, кайфиятни кутаман. Ишонасизми, ҳамиша бунга эришганман. Тўғри, нисбатан қисқа узилишлар бўлган, аммо ўйлайманки, бу ҳам менинг фойдамга бўлса керак. Яна, билмадим.

– Мусиқадан ҳам кўпроқ нимани ўйлайсиз, нимадан таъсириланасиз?

– Одамларнинг меҳридан, уларнинг самимий муносабатидан. Муҳлисларим эътироф қиладими ёки танқид қиладими, бу чин юракдан бўлса, куч бағишилайди. Ёлғизлиқдан

кўрқмайман, аммо ёлғиз эмаслигинги хис қилиш ҳам ҳузур бағишилайди да кишига. Яқинда менга бир хорижий давлатдан хат келди. Мактубда ёзишича, бир оиланинг фарзанди касалликка чалинибди. У шифокорлардан ҳам, ота-онасидан ҳам фақат мусиқа әшиттиришни, тақдирнинг саҳоватини қарангни, менинг мусиқаларимни әшиттиришин илтимос қилиларкан. Боланинг оёққа туришида, ҳаётга қайтишига ижодим қайсиридир маънода сабаби (албатта билвосита) бўлгани менга катта хурсандчиллик бағишилади. Ишонасизми, анча пайтгача бу воқеа таъсиридан чиқолмай юрдим. Санъаткор учун бундан ортиқ баҳт ҳам борми? Менинг кимнайдир, айниқса балогат остонасида турган йигитнинг яшаб кетишига сабабчи бўлибди. Балки у эртага буюк инсон бўлар.

– Демак, яхши күй инсон ҳаётини ўзгартира олар экан-да?

– Биласизми, мен юқоридаги мактубни мақтаниш ва ижодимга юксак баҳо бериш учун айтмадим. Буни муҳлислар, танқидчилар ва албатта келажак кўрсатади. Мусиқа, санъат ёки адабиёт инсон ҳаётини ўзгартириши аниқ, аммо бу ерда ижодкор ўзига юқори баҳо бермаслиги керак. Мен инсон ҳаётини ўзгартиридим дейишга ҳам хеч қачон ҳақли эмасман. Айтмоқи бўлганим, бу дунёда яшаетган барча инсонлар руҳининг, қалбининг тили битта бўлар экан. Фақат, ўзингни оламнинг бир қисми эканлигининг ва қалбинг бутун дунёга дахлдор эканлигини хис қилсанг, ўз қобигингдан чиқиб кета олар экансан. Шунда кимгадир керак бўлганинги билсан. Баъзи ижодкорлар буни ҳаётлик пайтларида билмай ўтиб кетишишар, балки. Инсон ҳаётдан зулмат эмас, ёргуғлиқ қидириб яшashi керак. Агар пессимист шоирларининг айтганидек, дунё ўткинчи ва қоронғу бўлса, қуёш ҳар куни ер юзини ўйқлаб келмасди. Демак, қуёшдан ўрнак олиб яшаш керак.

– Ижодкор янги-янги услублар яратиши, қобигига ўралиб, ўзини-ўзи тақрорлаб қўймаслиги учун ўз руҳига, ҳаётига мунтазам ўзгартиришлар киритиб бориши, ўзини-ўзи таҳрир қилишини билиши керакдай туюлади. Сиз руҳингизни қандай янгилайсиз. Тўғри-роғи, нимадан куч оласиз?

– Биласизми, мен кечаги ёки бир соат олдинги Султон Али Раҳматов эмасман. Уни яшаб бўлдим, энди ўтган лаҳзаларнинг менга янгилиги ҳам йўқ. Мен ва айни дамда сиз ҳам умуман янги даврни, янги руҳий ҳолатнинг одамига айландик. Шу пайтда эски ютуқлар билан қувонмай, янги кайфият билан ижодкор ўз асарларига баҳо бериш керак. Одам кийими йиртилганини сезган куни ёки тикишга интилади, тўғрими? Ҳеч ким кийимимнинг йиртиғини одамлар аллақачон кўриб бўлди, энди бу янгилик эмас, деб ўша кийимда юрмайди. Қайтага, билган заҳоти юзлари ловуллаб уни ўзгартиришга ҳаракат қиласди. Ижодкор ҳам ўз асарларига нисбатан шундай муносабатда бўлса, менимча унинг ижоди, ҳар бир асари муқаммаллик касб этади. Бунинг учун меҳнат қилишни билиш керак. Мен меҳнатдан куч оламан ва асосий вақтимни меҳнатга бағишилайман.

ТАЙИНЛОВ

2020 йил 30 декабрь куни
Маданият вазирининг маданият
муассасалари ва ҳаваскорлик
санъатини ривожлантириш,
рақамлаштириш, ахборот тех-
нологиялари ва таълим муас-
сасалари бўйича ўринбосари
Олимжон Мирзаев институти-
мизга ташриф буюрди.

Ташрифдан мақсад, Ил-
мий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор лавозими-
га Турон Фанлар Академияси
академиги, Мусиқа санъати
ихтисослиги бўйича профессор
Собиржон Жумаев жамоага
таништирилди.

Polapon

*Ko'pchiligidim zaif polaponlarga o'xshaymiz.
Istiqomat qilayotgan joyimizdan o'zga yerga qanot qoqa olmaymiz,
berganini yeb yotaveramiz. Shu tariqa, qanday ulg'ayganimizni ham sezmay qolamiz.*

Oltin davrimizning katta qismi shu zaylda o'tadi. Oliyoghoga qadam ranjida qilganimizdan buyon o'qituvchilardan nolish talabalarning eng sevimi va qayg'uli mashg'ulotlaridan biriga aylanib ulgurdi. Qaysidir ma'noda talabalarning talab qilishlariga haqlari bor, ular bir qarich atrofida keladigan qog'oz uchun kamida avtomobil puli bilan xayrashishadi. O'qituvchilarini ham qoralash niyatidan mosuvoman. Ular ham o'z darajasida aqli yetgancha ta'lim bera oladilar, undan ortig'i kuta olmaymiz. Institut xodimlarini Suqrot yoki Aristotel hisoblamasligimiz kerak, o'zimiz ham nuqlu oliy baholarga tahsil olgan bilan Da Vinci yoki Motsart bo'lib qolmaymiz. O'qituvchi qoniqarli dars o'ta olmayaptimi, o'zingiz uchun to'g'ri va foydali deb hisoblagan ilmlarni o'rganavering. Qo'shtirnoq ichidagi so'zlar bilan ushbu davrni kuzatguncha, "yigit baho" bilan bo'lsa-da, bilimlar xazinasiga qadam qo'ying. Kimdandir nimadir kutib, polapon kabi umr o'tkazish talaba uchun yarashmaydi. Parvoz qiling, mayli, shamol sizga qarshilik ko'rsatsin, qorni to'yib yotgan polaponlar masxara qilishsin, siz esa to'xtamang. O'z qanotlaringizdan o'zgasiga ishonmang.

Muxbir.

O'RGATYAPMIZ

Ertalab shoshib maktabga ketayotgan ota-bolani suhbatini eshitib qoldim:

- Dadajon yana kechikib kelganim uchun ustozim urishadila.
- Xarxasha qilaverma bo'ldi qil.
- Endi ustozimga nima deyman?
- Avtobus bo'lmay qoldi deysan tamom...

Yaqinda bir do'stim bilan tibbiy ko'rikdan o'tgani bordik. Shifoxonada tirbandlikni ko'rib bu yerga ham svetafor o'matish kerakmikan deb o'ylab qoldim. Ana-mana deguncha bir-bir hamma shifokordan o'tib bo'ldik. Endi yakuniy xulosa chiqarib muhr urilsa bo'ldi. Lekin shifokor huzuriga kirdganimizda: "Hozir bemorlar bilan ishlash vaqt ekanligini va tibbiy ko'rik ikki soatdan keyin" degan "dag'dag" asini eshitdik. Vaholanki, o'sha paytda birorta ham bemor yo'q edi. Birozdan so'ng qo'lidan shokolad bilan kirib ketgan bir yigit og'zi qulog'ida qaytib chiqib ketdi.

Shaxzod SHOKIROV,
"Sahna va ekran dramaturgiyasi" yo'nalishi
1-bosqich talabasi

Алимурод ТОЖИЕВ
сұхбатлашды



ФИЛИАЛ ИФТИХОРИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали бу йил ўзининг мучал ёшини қаршилади. Шу қисқа вақт мобайнида филиал нафақат Қорақалпоғистонда, балким Республикаимиз миқёсида ўз ўрни ва обрўсига эга масканга айланиб улгурди. Филиалимизнинг “Тумор” рақс ансамбли эса икки ёшга тўлди.

“Тумор” рақс ансамбли 2018 иили Есназар Халмуратовнинг филиалга ўқитувчи бўлиб келган пайтидан директор (марҳум) П.Палуаниязовнинг кўллаб-кувватлаши натижасида ташкил этилган эди.

Бугун “Тумор” рақс ансамблининг репер-

туарларида жаҳон классик ва қорақалпок, ўзбек, турк, татар, азарбайжон, рус, тоҷик ҳалқларининг рақслари ўрин олган. Республика миқёсида ўтказиладиган байрам ва тантаналарда ансамбл ўз ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, “Қорақалпоғистон” телеканали

томонидан рақс санъатига оид кўрсатувларда “Тумор” ансамбли ўзининг чиқишилари билан ҳалқимизга хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирда 2021 йил учун “Тумор” ансамблининг концерт дастури режалаштирган ва қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шогирдлар ардоғидағи устоз Е.Халмуратов ва “Тумор” ансамблига ижодий ишларида юксак мардларни тилаб қоламиз.

Асилбек ҚОЛҚАНАТОВ
ЎзДСМИ Нукус филиали талабаси



SAN'ATPAZLAR BIZGA KERAKMI?

Televizor ko'rishni unchaliq xushlamayman (futbol o'yinlari bundan mustasno). Yaqinda gazeta o'qib turib, telekanallarning anonsi e'tiborimni tortdi. Ayniqsa, ko'plab teletomoshabinlarga ega bo'lgan mashhur telekanallarning deyarli barchasida hech bo'limganda bitta(ba'zilari hatto uch-to'rtta) ovqat tayyorlash bo'yicha ko'rtsatuvlar mavjud.

Yana bu ko'rsatuvlarda san'atkorlar tomonidan taomlar tayyorlanishi haqida o'ylanib qoldim. Shu o'rinda savol tug'iladi: bizga ular tomonidan tayyorlangan taomlarning foydasi ko'proqmi yoki xalq uchun tayyorlangan ijod namunalarimi? To'g'ri, bu kabi kanallar ko'ngilarochar turdag'i kanallar guruhiiga kiradi,

deyishingiz mumkin. Lekin ovqat pishirib ko'ngilni xushlaydiganlar bizda deyarli topilmasa kerak. Menimcha, san'at ahlini erkin ijod qilishlariga xalal bermasdan, kafe, restoran kabi umumiyligi ovqatlanish shaxobchalarining oshpazlari yuqorida ega bo'lsalar. Ko'rsatuvlarga chaqirilsa ham ularning tajribasi oshadi, ham o'sha

restoranlar uchun tekin reklama bo'lib xizmat qiladi. Yurtimizda yaqindagina Ginnes rekordlariga kiritilgan 8 tonna osh damlanganini inobatga olsak, jamiyatimizda oshpazlardan kamchilik sezilmoqda, demagan bo'lardim. Bolalikdag'i eng yorqin xotiralarim O'zbekiston teleradiokanalida efiriga uzatiladigan "Oltin toj" hamda "7x7", "O'yla izla top!" kabi intellektual o'yinlar bilan bog'liq edi. Chekkacheffa qishloqlardan o'z bilim va zukkoligini sinab ko'rish maqsadida minglab bolalar ushbu ko'rsatuvlar

orqali o'zlar uchun yangi dunyolarni kashf etishardi.

"Oltin toj" ko'rsatuvining madhiyasiga aylangan qo'shiq hamon yodimda: "Oltin toj, oltin toj, zukkolarga bag'ring och..."

Yuqorida nomi zikr etilgan ko'rsatuvlarning o'rniga "Oshxonqa qirollari" kabi ko'rsatuvlar egallayotganini inobatga olsak, hozir o'sha qo'shiq qulqlarim ostida quyidagi yangraydi:

"Oltin toj, oltin toj, oshpazlarga bag'ring och".
Shaxzod SHOKIROV,
"Sahna va ekran dramaturgiysi"
yo'nalishi 1-bosqich talabasi

Har kuni tongda olyigho tomon yo'l olar ekanman, avtobusdan bir bekat avvalroq tushib, biroz piyoda yurishni ma'qul ko'raman. Yo'l chetidan keta turib, shoshilib ketayotgan yuzlab mashinalarni, ko'chalarini supurayotgan obodonlashtirish xodimlarini kuzataman. Avtobusdan shoshilinch tarza tushib, yo'l chiptasini befarqlarcha uzoqtirib ketayotgan odamlarni ko'rib hayron qolaman.

Tabiatni asraylik

Yaqinda internetdag'i yangiliklar bilan tanishib chiqish jarayonida bir xabarga ko'zim tushdi: dunyoning ulkan shaharlaridagi ko'chalarda tez-tez paydo bo'ladigan o'lik qushlar olimlarning e'tiborini tortadi. Avvaliga shunchaki tasodif yoki baxtsiz hodisa sifatida ko'rildigan bu holatlar batafsil tekshirib ko'rildi, 80% qushlarning o'limiga sabab ularning jig'ildoniga yopishib qolgan saqichlar ekanligi aniqlandi. Bu hodisa albatta hayratlanarli! Chunki qushlar saqich chaynamaydi-da!

Kuzatuv jarayonida shu narsa aniq bo'ldiki, odamlar tomonidan tashlangan saqich qoldiqlarni qushlar non uvog'i deb o'ylab, yeb qo'yisharkan va saqich ularning jig'ildoniga yopishib, oqibatda qushlar nobud bo'lisharkan ..

Alloh insoniytaga hamma narsalar berdi: baxtni ham, go'zallikni ham, mo'jizani ham. Ammo inson-chi?! Inson shunchaki yaratganning yaratiqlarini yemirish uchun yashaydimi? Yoki uning mo'jizalarini halok qilish uchunmi? Axir, inson ongli shaxs, husn-u kamolotda ham barcha jonzotlardan ustun-ku!

To'g'ri, balki biz ataylab tabiatga ziyon yetkazmasmiz, ammo kichkina bir befarqligimiz ham aslida o'zimizga ziyon ekanligini anglab yetmog'imiz lozim.

Aziz do'starim, keling, shiddat bilan rivojlanib borayotgan texnika asrida shunchaki bir robot kabi sovuqqonlik bilan emas, balki qalbimiz bilan ham yashaylik, borliq mo'jizasini butun vujudimiz bilan his qilaylik. Ana shunda, bu hayotda yashashdan ma'no borligini anglaymiz.

E'zoza KARIMOVA

Xalq ijodiyoti fakulteti "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish" yo'nalishi 103-guruh talabasi

КУЛГИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

(ҲИКОЯ)

Олтинчи синфда физика дарси. Бугун улар бу фанни биринchi бор ўтяттилар. Ўқитувчи физика ўзи нималиги, қандай сўздан олингандиги, унда нималар ўрганилиши, бу фанга кимлар ҳисса кўшганлиги ҳақида дарс давомида тўхтапиётди.

Ўқитувчи тушинтириб бўлгандан сўнг, саволлар борми деб сўраши табиий, албатта. Шунда Эшқўзи ўрнидан туриб:

- Менда савол бор, деди.
- Хўш...
- Устоз, табиятда учрайдиган нарсалар, ҳолатлар физикада ўрганилади дедингиз.

- Ҳа. Чайналмасдан тезроқ гапир Тошқўзиен.

Устоз бирор сукутга толди. Кейин чайналиб гапира бошлади.

- Кулги болалар қоридан пайдо бўлади. Масалан, дарсда кулиб ўтирасаларинг, ўқитувчи "жим ўтири" деса, дарров жим бўласан-да, кейин пақ этиб ёриласан-кўясан. Сенинг ичинда йиғилган молекулалар ва atom заррачалари ошқозон-

га йиғилади ва бир-бири билан келиша олмагач, ичингдаги бор ғам-ғуссаларингни чиқарип ташлайди. Бу ҳолат фанга "Броун ҳаракати" билан кирган. Тушунарлимиз?

- Устоз, баъзи бир одамлар кулгандан, нафас ололмай қолишади. Бу нарсани қандай ифодалайсиз? - яна савол берди Эшқўзи.

Муаллим бирор жим бўлиб колди ва яна гап бошлади.

- Баъзи одамлар кулгандан қотиб қолишининг сабаби, у кулишдан олдин бир марта "ҳ-ҳ" дейди. Уша "ҳ-ҳ" деганда, бор ғам-ғуссалари чиқиб кетиб, нафас йўлидаги клапан беркилиб қолади. Бу қандай амалга ошади? Организмидаги молекулалар ва atom заррачалари ўпкага келиб йиғилади ва бир-бири билан келиша олмай, нафас йўли беркилиб қолади. Бу ҳолат хам фанга "Броун ҳаракати" билан кирган. Тушунарлимиз?

Шу пайт қўнгироқ чалиниб қолди. Ва ҳайрияти, Эшқўзи бошқа савол беришга улгурмади...

Ҳумоюн ҚЎШНАЗАРОВ



BOLALIK

*Yomg‘irlarga uzoq termulib,
Peshayvonda yotgan bolalik.
Singlisiga choponin berib,
O‘zi sovuqqotgan bolalik.
Yarim-yalang, daryo yoqalab
Ninachilar quvgan bolalik.
Oftobaga har kun ertalab
Erinib yuz yuvgan bolalik...*

*Sigir boqsan, ko‘kala chivib,
Yarim-yuluq qo‘shiqlar aytgan.
Soyasining ortidan quvib,
So‘ng soyasiz uyiga qaytgan.
Uzangiga oyog‘i etmay,
Qovog‘ini uyan o‘jarlik,
Qashqasining yonidan ketmay,
O‘g‘irlatib qo‘ygan o‘jarlik...*


*Bir qoracha qizning ustidan
Borar ekan dahanaki jang,
Singan tishin yerga tuflagan
va hech kimga aytmagan satang...
Bobosining soqolin sanab,
Muzqaymoqlar undirgan shovvoz.
Otasingin do‘ppisin “to‘nab”,
Chumbuliga qo‘ndirgan shovvoz.*

*Bolalik bu – qo‘ng‘iroq. Kirish!
Partadoshning o‘ng‘aysiz didi.
Ko‘ylagingga siyoh tomdirish
Va yap-yangi kitoblar hidi...
Kenja botir, Guliver, Gerda –
Oqshom oldi kutilgan ermak.
Bolalik bu – qachon, qayerda
Tugagani noma‘lum ertak...*

Shahriyor SHAVKAT,
Xalq ijodiyoti fakulteti
“Madaniyat va san‘at
muassasalarini tashkil etish va
boshqarish” yo‘nalishi 2-bosqich
sirtqi bo‘lim talabasi

KATTA LOYIHA-ORZULAR

“Creative Spark: Oliy ta’limda tadbirkorlikka o‘qitish” xalqaro loyihasi aynan men uchun tashkil qilingandek go‘yo. Bu loyiha haqida eng yaqin dugonam, Yoshlar ittifoqi boshlang‘ich tashkiloti yetakchisi Jumagul Nishonovadan eshtiddim va bilimimni sinab ko‘rishga qaror qildim. Creative Spark – besh yilga mo‘ljallangan, oliy o‘quv yurtlari va muassasalararo xalqaro hamkorlikni qo‘llab-quvvatlovchi tashabbus bo‘lib, uning maqsadi yetti mamlakat, ya’ni Markaziy Osiyo (Qozog‘iston, O‘zbekiston, Qirg‘iziston), Janubiy Kavkaz (Ozarbayjon, Armaniston, Gruziya) va Ukraina hududida, Birlashgan Qirollik ko‘magi yordamida, tadbirkorlik ko‘nikmalari va ijodkorlikka asoslangan iqtisodiyotni rivojlantirishdan iborat.



Creative Spark loyihasi O‘zbekistonda iqtisodiyot va ta‘lim sohasidagi amalga oshirilgan keng ko‘lamli milliy islohotlarga javoban, kreativ sektorni qo‘llab-quvvatlash va ishbilarmonlik bilimiga bo‘lgan ehtiyojni qondirish, shuningdek, odamlarning farovonligi va ish o‘rinlarini yaratish uchun tadqiq qilinadi.

Darslarimiz Zoom platformasi orqali online tarzda olib boriladi. Online darslarni afzallik tomonlari juda ko‘p,

jumladan joy tanlamaydi, siz dunyoning qaysi burchagida bo‘lsangiz ham bu platforma orqali darslarga ularanib, fanni o‘zlashtirishingiz mumkin. Bundan tashqari, har xil prezentsiyalar namoyishi uchun ham juda qulay, shu bilan bir qatorda, talabardan ham o‘z ustida ko‘proq ishslash talab qilinadi.

2020 yil noyabr oyida institutimizning “Madaniyat va san‘at muassasalarini tashkil etish va boshqarish” kefedrasi

tomonidan tanlov o‘tkazildi. Bu tanlovda institut bo‘yicha ingliz tilini “Elementary” darajada biladigan 20 ta iqtidorli talabalar saralab olindi va ularni birlashtirish maqsadida “English club” tashkil qilindi. Biz bu klub orqali nafaqat o‘z bilimimizni oshirish va mustaqil fikrashni o‘rgandik, balki jamoa bo‘lib ishslash va fikr almashtishni ham shakllantirdik. Bu albatta kelajakda qaysi yo‘nalishda bo‘lishimizdan qat’iy nazar bizga juda foyda beradi. Klubimizda talabalar juda ahil, bir-birimizni hamisha qo‘llab-quvvatlab, darsda hamisha faol bo‘lishga intilamiz. O‘rtamizda sog‘lom raqobat mavjud, bu esa faqat o’sishga, o‘z ustimizda yanada ko‘proq ishslashga xizmat qiladi deb bemalol aytma olaman. Darslar orqali biz butun dunyodagi global muammolar, o‘zgarishlar va yangiliklar haqida bilib olamiz va ularni muhokama qilamiz. Bu loyiha bizni tez fikrashga, shaxsxiy fikr ga ega bo‘lishga, har qanday vaziyatdan chiqsa olishga o‘rgatyapti. Ustozimiz Nodira Ishanbekovaning bizga bo‘lgan ishonchi bizni yanada ko‘proq bilim olishga undaydi. Ular darslarni judayam qiziqli va interaktiv tarzda o‘tadilar va har birimizga o‘z ustimizda ishslash uchun imkoniyat yaratmoqda. Har bir mavzu kreativ yondashishni talab qiladi. Bu esa biznes va tadbirkorlikda eng muhim tamoyillardan hisoblanadi.

Demak, har bir talaba eng avvalo o‘z ona tilini yaxshi bilishi, hurmat qilishi, va sevishi kerak, bundan tashqari, chet tillarini ham yaxsi bilishlari kerak. Zero, dono xalqimiz: “Til bilgan el biladi”, deb bejizga aytishmagan.

Fursatdan foydalanib, institutda biz yoshlarga berilayotgan katta imkoniyatlar uchun rektorimiz Ibrohim Jo‘rayevich Yo‘ldoshevga o‘z minnatdorchiligidini bildiraman. Kelajakda bizga bildirilgan ishonchni oqlashga, yurtimizga, institutimizga kerakli kadr bo‘lishga VA‘DA BERAMIZ.

Muslima ALIYEVA,
Xalq ijodiyoti fakulteti, “Folklor va
etnografiya” yo‘nalishi
3-bosqich talabasi

G‘URUR

*Yigit qizdan, qiz esa yigitdan kechirim
so‘rashini kutib yashadi...*

*Afsuski, ular bir-birlarini kuta-kuta
dunyodan o‘tib ketdilar...*

TAQDIR

*Uning muhabbati armon bo‘lib qoldi...
Dunyoga keltirgan farzandiga armonga
aylangan sevgilisining ismini qo‘ydi...*

Afsus, u ham sevganiga yetolmadi...

SO‘NGGI CHORA

*Qiz kasalmand otasining qarzlarini
uzish maqsadida kecha-yu kunduz tinim
bilmay ishladi, ammo imkon qarz uzish
darajasida yetmas edi...*

Qiz oxir-oqibat to‘yga rozi bo‘ldi...

Shohruh DAVRON

Xalq ijodiyoti fakulteti
Ashula va raqs yo‘nalishi 4-bosqich
talabasi

VAQT

*Oylar o‘tdi, o‘tdi yillar ham,
Bardosh berdik qancha sinova.
Yosh yurakda niyatlar bilan
Otanamiz zafarli ovga.*

*Murg‘ak dilda shijoat va shahd,
Orzularim yuksak qoyadek.
Maqsadimga undaydi bir kuch,
Ilohiy va so‘nmas g‘oyadek.*

*Undagaydir o‘zimga ishonch,
Ustozlarim o‘chmas nigohi.
Undagaydir g‘olib hissiyot,
Ko‘zlarimdan oqqa yosh gohi.*

*Oylar o‘tar, o‘tar yillar ham,
Yana o‘tar bahor, qishlar bor,
Ta‘kidlayman yana Gulshoda
Seni kutar buyuk ishlar bor.*

Gulshoda HAKIMBOYEVA
“Madaniyat va san‘at muassasalarini
tashkil etish va boshqarish” yo‘nalishi
1-bosqich talabasi

Хикматли сўзлар

Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир.
Ж.ДАНТОН

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса
муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

А.ДИСТЕРВЕГ

Болалаларни ўстириш ва тарбиялаш улкан,
жиддий ва ҳаддан ташқари масъулиятили ишдир.

А.С.МАКАРЕНКО

Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хис-
латларини уйғота билган муаллим шарафларга
лоиқдир.

Э.ХАББАРД

Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга
муҳаббат тифайли юзага келган.

Ж.Ж. РУССО

Олиймақом ватанпарварлик ватан фаровонли-
ги ўйлида бениҳоя жонбозликдир.

Н.Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Muassis:

O‘zbekiston davlat san‘at va
madaniyat instituti

Bosh muharrir
Sobir JUMAEV

Tahrir hay’ati:
Eldor SHERMONOV
Ma‘rufjon YULDASHEV
O’tkur ISLAMOV
Antonino KOSHELEVA
Rashid USNATOV
Jumagul NISHONOVA
Mas‘ul kotib:
Nafisa RAIMQULOVA

Tahririyat manzili: 100164 Toshkent shahri, Mirzo Ulug‘bek tumani, Yang‘och mazvesi, 127 A uy.
Telefon: (71) 230-28-03, (71) 230-28-13.
www.dsni.uz; nashriyot@dsni.uz

Gazeta har oyning oxirgi haftasida «NISO POLIGRAF» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi.
Manzil: O‘rta Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash‘al mahallasi, Markaz –1.

Sahifalovchi:
Abdug‘ani SODIQOV

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo‘limida
tayyorlandi. O‘lchami – А3, hajmi 2 bosma taboq.
Nusxasi – 500 dona. Narxi kelishilgan narxda.
Chop etishga 30.12.2020 yilda topshirildi.

Gazeta Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasida № 02-00166 raqami
bilan 2012-yil 19-dekabrda ro‘yxatga olingan.